
МАРҒИЛОН МЕҲМОНЛАРНИ ҚАРШИ ОЛДИ!

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозаров ташаббуси билан бугун Наманган вилоятидаги 26-сонли Меҳрибонлик уйи раҳбари Дилором Абдурахимова бошчилигида муассасанинг бир гуруҳ тарбияланувчилари Фарғона вилояти, хусусан Марғилон шаҳрига ташриф буюрдилар.

Меҳмонлар шаҳардаги “Пур Сиддиқ” зиёратгоҳида ўзбекона урф одат – нон, нуз ва карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Зиёратчиларнинг кети узилмайдиган мажмуадаги ўзгача файз, шукуҳ, айниқса, сон-саноксиз кабутарлар парвози ўқувчи ёшлар эътиборини ўзига мафтун айлади.

Навбатдаги манзил – “Ижодкорлар боғи” меҳмонларга ўз бағрини очди. Боғ қўйнида жойлашган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов номидаги мемориал музейда ёшлар шоирнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли билан яқиндан танишдилар.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ташриф якунида шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган Ҳунармандлар марказида бўлиб, Марғилоннинг миллий ҳунармандчилик асарлари, нафис ва бетакрор атласу адраслар жилосидан ўзгача ҳайратга тўлдилар.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-11-11 17:36:30